

Товарлар ва хизматлар бозори

2016 йил январь-декабрда чакана товар айланмаси 5173,5 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,1 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	5173,5	114,1	100,0
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	-	-	-
нодавлат мулки	5173,5	114,1	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	-	-	-

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2016 йил январь-декабрь ойларида 5173,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,1 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми 2016 йилнинг январь-декабрь ойларида 4886,3 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,8 фоизга ошган.

2016 йил давомида чакана савдо айланмасининг расмий сектордаги ҳажми 3633,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,2 фоизга ўсди. Ўз навбатида норасмий секторнинг чакана савдо айланмаси ҳажми 1539,9 млрд. сўм бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124,6 фоизга ўтган.

2016 йил январь-декабрь ойларида чакана савдо айланмаси таркиби куйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	5173,5	114,1	100,0
шу жумладан:			
савдо корхоналари	1218,3	99,4	23,6
Якка тартибдаги тадбиркорлик	3955,2	119,6	76,4
уюлмаган сектор (ташқил этилмаган савдофаолияти)	-	-	-

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 62,0 млрд. сўмга етди ёки 2015 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 117,0 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини кўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 12,0 фоизга ошди ва 1968,7 минг сўмни ташқил этди (2015 йил январь-декабрь ойларида 1615,8 минг сўмни ташқил этган).

2016 йил январь-декабрь ойларида **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 3912,0 млрд. сўмни ташқил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 978,4 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 25,0 фоизини ташқил қилди. 2015 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш 116,0 фоизни ташқил этди.